

**ФИЗИКА 8 – СИНФ**

**ТАЪЛИМ ЎЗБЕК ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН МАКТАБЛАР УЧУН ВАРИАНТ 5**

**№ 1.** Совуқ ва иссиқ сув молекулалари орасида фарқ борми?

- а) совуқ сув молекулалари иссиқ сув молекулаларидан каттароқ
- б) совуқ сув молекулалари иссиқ сув молекулаларидан кичикроқ
- в) молекулалари бир хил

**№ 2.** Агар тўпни аввал сиқиб кейин қўйи юборсак, эзилган жойи йўқ бўлади, нима учун?

- а) тўп ичидаги ҳаво молекулалари унинг қобиғига қараб тортишади
- б) ҳаво молекулалари бир-бирига қуч билан яқинлаштирилганда бир-бирини итаради
- в) тўп қобиғи қўлингизга тортишади
- г) тўп ичидаги ҳаво камаяди

**№3.** Қайси жисм кўпроқ ички энергияга эга –  $0^{\circ}\text{C}$  даги муз бўлагими ёки шу муз бўлагидан  $0^{\circ}\text{C}$  даги сувми?

- а) сув
- б) муз
- в) бир хил

**№ 4.** Буғланиш деб .... ходисасига айтилади.

- а) молекулаларнинг суюқлик юзаси ва ички томонидан буғга ўтиш
- б) молекулаларнинг суюқликдан буғга ўтиш
- в) молекулаларнинг буғдан суюқликка ўтиш
- г) молекулаларнинг тартибсиз ҳаракати

**№ 5.** Бир ҳароратдаги модданинг қайси ҳолатида молекулалар ҳаракат тезлиги каттароқ бўлади?

- а) газ ҳолатида
- б) суюқ ҳолатда
- в) қаттиқ ҳолатда
- г) барча ҳолатларда бир хил

**№ 6.** Идеал газнинг .... жараёндаги иши нолга тенг.

- а) изотермик
- б) изобар
- в) адиабатм
- г) изохор

**№ 7.** 190 г сув буғининг конденсацияланишида ажралиб чиқадиган иссиқлик ҳисобига қанча массадаги мис жисми  $250^{\circ}\text{C}$  га қиздириш мумкин? Буғ ҳосил бўлишининг солиштирма иссиқлиги  $2300\text{ кЖ/кг}$ , миснинг солиштирма иссиқлик сиғими  $380\text{ Ж/кг}^{\circ}\text{C}$ .

- а) 1,9
- б) 2,3
- в) 4,6
- г) 5,7

**№ 8.** Алюминий  $660^{\circ}\text{C}$  ҳароратда қотади. Алюминийнинг эриш ҳарорати ҳақида нима дейиш мумкин?

- а)  $660^{\circ}\text{C}$  га тенг
- б) қотиш ҳароратидан баланд
- в) қотиш ҳароратидан паст
- г)  $560^{\circ}\text{C}$  га тенг

**№ 9.** Массаси 2 т бўлган болға массаси 10 кг бўлган пўлат болванка устига 10 м баландликдан тушди. Агар қизиш учун болға энергиясининг 50 % кетса, зарбада болванка неча градусга қизийди. Пўлатнинг солиштирма иссиқлик сиғими  $460\text{ Ж/кг}\cdot\text{K}$  га тенг.

- а)  $12,8^{\circ}$
- б)  $6,4^{\circ}$
- в)  $19,0^{\circ}$
- г)  $3,2^{\circ}$

**№ 10.**  $0^{\circ}\text{C}$  даги 200 г муз ва 800 г сувдан иборат аралашмани  $50^{\circ}\text{C}$  гача қиздириш лозим, бунинг учун қанча иссиқлик керак бўлади? Сувнинг солиштирма иссиқлик сиғими  $4200\text{ Ж/кг}^{\circ}\text{C}$ , музнинг солиштирма эриш иссиқлиги  $330\text{ кЖ/кг}$ . Жавобни кЖ да кўрсатинг.

- а) 50
- б) 80
- в) 165
- г) 276

**Баллни баҳога айлантириш шкаласи**

Ҳар бир топшириқ 1 балл билан баҳоланади. Жами топшириқларнинг миқдори – 10

баллари	баҳо
0-3	«2»
4-5	«3»
6-7	«4»
8-10	«5»